



АВТОТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Эргашева Мухаббат

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0007-4476-4749

mukhabbatergasheva@gmail.com

Аннотация. Мақолада республикамизда автотранспорт хизматлари бозоридаги, жумладан, транспорт – экспедиция хизматларида учрайдиган муаммолар тахлил этилиб, уларни хал этиш учун ушбу бозорнинг самарали фаолиятини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқишга эътибор қаратилган. Транспорт – экспедиция хизматларига бўлган муносабатни ўзгартириш учун таклиф этилаётган концепцияда ҳам назарий, ҳам амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: автотранспорт хизматлари, транспорт – экспедиция, хизматлар кўрсатиш самарадорлиги, автотранспорт хизматларини бошқариш чизмаси, автотранспорт хизматлари соҳалари, транспорт – экспедиция хизматларининг самарадорлиги.

КОНЦЕПЦИЯ ЭФФЕКТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ РЫНКА ТРАНСПОРТНОГО СРЕДСТВА

Эргашева Мухаббат

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье были рассмотрены существующие проблемы автотранспортных услуг, в том числе, транспортно– экспедиторских услуг, произведен их анализ, на основе чего предложена концепция организации эффективной деятельности автотранспортных предприятий. В предложенной концепции теоретически и практически обоснованы изменения подходов к транспортно – экспедиторской деятельности, что позволит повысить эффективность оказываемых автотранспортных услуг как предприятием, так и населению в целом.

Ключевые слова: автотранспортные услуги, транспортная – экспедиция, эффективность оказания услуг, схема управления автотранспортными услугами, сфера автотранспортных услуг, эффективности транспортно – экспедиционных услуг.

CONCEPT OF THE EFFECTIVE ORGANIZATION OF THE MARKET OF THE VEHICLE

Ergasheva Muhabbat

Tashkent State University of Economics

Abstract. The article examined the existing problems of motor transport services, including transport and forwarding services, they analyze them, on the basis of which the concept of organizing the effective activities of motor transport enterprises was proposed. The proposed concept theoretically and practically substantiated changes in the approaches to transport and forwarding activities, which produces the efficiency of the provided motor transport services to both offers and the population as a whole.

Keywords: auto transport services, transport - expedition, efficiency of services, management of auto transport services, field of auto transport services, efficiency of transport and expeditionary services.

Кириш.

“Ўзбекистон – 2030 Стратегияси”нинг 53 – бандида Ўзбекистон Республикасининг глобал транспорт – логистика тармоқларига интеграциясини чуқурлаштириш ва миллий транспорт тизимининг салоҳиятини ошириш вазифалари қўйилиб, уни амалга жорий қилиш натижасида йўловчи ва юк ташиш хизматлари хажмини уч баробар ошириш мақсади белгиланган (Стратегия, 2023).

Ушбу мақсадга эришиш борасида, бизнинг фикримизча, республикада автотранспорт хизматлари бозорини янада такомиллаштириш, айниқса, ушбу концепцияни самарали амалга оширишда иқтисодий категорияларга, масалан, транспорт – экспедиция хизматлари, назарий тавсиф бериб ўтиш, амалиётга қўллашда етарли ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий шароитлар яратиш муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабдан, тақдим этилаётган мақолада муаллиф томонидан 20 йилдан ортиқ олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида тўпланган тажриба асосида таклифлар шакллантирилган.

Адабиётлар шарҳи.

Республикада ва хорижий олимлар ҳамда амалиётчилар ишланмаларида автотранспорт хизматлари бозори, уни ташкил этиш, корхона, ташкилот ва аҳолидаги мавжуд эҳтиёжларни қондиришга катта эътибор қаратилган. Масалан, Абдуллаев (2019) шаҳар автобус йўналишларида транспорт хизмати сифати кўрсаткичларини такомиллаштириш мавзусида PhD тадқиқотларини амалга оширган. Жамоат транспортини фаолиятини ташкил этишда маркетинг тадқиқотлари ва воситаларидан фойдаланиш муаммоларини ҳал этишда Бердиёров (2021), Ғиёсиддинов (2024), Ирисбекова (2017) томонидан амалга оширилган назарий ва амалий қарашларини келтиришимиз мумкин.

Темир йўл соҳасида юкларни ташиш, ундаги логистика тизимининг шаклланишига Камалова (2019) нинг илмий ишланмалари бағишланган бўлса, хизмат кўрсатиш соҳасидаги хусусиятлар, рақобат муҳитидаги транспорт корхоналаридаги салоҳиятдан тўлароқ фойдаланишни ташкил этилиши Набиева (2021) ва Юсупходжаева (2020) диссертация ишлари амалга оширилган. Ушбу тадқиқотларда муаллифлар томонидан хизмат кўрсатишнинг жамиятимиздаги ўрнини тобора ошаётганлиги, ишлаб чиқариш корхоналари билан рақобатлашиш салоҳиятидан тўлароқ фойдаланишга ўз эътиборларини қаратганлар.

Автотранспорт корхоналарининг фаолиятини бошқариш, унинг фаолият самарадорлигини оширишда маркетинг ва менежмент тизимларидан унумли фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқишда устозимиз профессор Икрамов (2017) томонидан олиб борилган илмий - амалий тадқиқотлари бизнинг изланишимиз асоси бўлиб хисобланади. Унинг илмий ишланмаларида автотранспорт корхоналарининг юридик ва жисмоний субъектларига кўрсатаётган хизматларининг мавқеи ошиб бориши, аммо ташув воситаларининг эскириши, логистик тизимнинг такомиллаштириш эҳтиёжи юқорилиги, инфратузилмалар замонавий талабларга жавоб бера олмаслиги ўрганиб чиқилганлиги бизнинг илмий тадқиқотларимизга туртки бўлди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги кундаги автотранспорт корхоналари томонидан амалга оширилаётган хизматлар сифати замон талабларига, айниқса, рақамлаштириш жараёнига жавоб бермаслиги, уларнинг орасида транспорт – экспедиция хизматларининг моҳияти ва мазмуни ўзгариб бораётганлигини таъкидлашимиз мумкин. Ушбу мақолада мавжуд муаммони ҳал этишдаги муаллифлик ёндашувини тавсия этмоқчимиз ва унинг концепциясига муносабат билдирмоқчимиз.

Тахлил ва натижаларнинг муҳокамаси.

Ўзбекистонда транспорт – логистика хизматлари бозори ва транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, корхоналар ва аҳолига автотранспорт хизматларининг ҳам миқдорини, ҳам сифатини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Президентимизнинг 2025 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикасининг транспорт - логистика тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори (2025) айти йўналишдаги ишлар самарадорлигини акс эттиради. Шу қарор асосида Ўзбекистон Республикасининг транспорт – логистика тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилди, унинг мақсади қилиб иқтисодиёт ва бизнеснинг юқори сифатли юк ташиш хизматларига бўлган эhtiёжни тўлиқ қондириш, мамлакат транзит салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш, экспорт – импорт операциялари қийматида транспорт харажатларини камайтириш ва истиқболли транспорт йўлакларини шакллантиришга қаратилган ислохотларни давом эттиришдан иборат (Концепция, 2025).


Республикада транспорт хизматлари бозор хизматлари умумий ҳажми ўсишининг асосий омилида 8,6%га (1.4 пункт ўсишига қўшган хиссаси) билан боғлиқ (stat.uz, n.d.).

1 - жадвалдан кўриниб турибдики хизматлар миқдори, уларнинг ўсиш суръати борган сари яхшиланиб бормоқда. Автотранспорт соҳаси томонидан амалга оширилган хизматлар миқдори ҳам умумий транспорт хизматларига нисбатан кўпроқ миқдорни ташкил топган (111,9 % 108,6 га нисбатан).

1-жадвал**Хизматлар соҳасининг, жумладан, транспорт хизматларининг ўсиши
(2024 йил январ – сентябрь)**

Хизматлар турларининг номи	Хизмат ҳажми, млрд сўм		Улуши, %	Ўсиш суръати, %
	2023	2024		
Хизматлар, жами	448484,4	564777,7	100,0	112,8
Транспорт хизматлари	75899,0	97091,9	17,2	108,6
Жумладан, автотранспорт хизматлари	36364,0	46370,2	8,2	111,9


Агар охириги беш йил мобайнидаги кўрсатилган автотранспорт хизматларини ҳажмини таҳлил қилсак, 2023 йилга нисбатан пасайиш кузатилган бўлса ҳам, 2024 йилги натижалари яхшиланганини кўрамиз (1– расм).



1-расм. Автотранспорт хизматларининг ўиш суръатлари.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки ривожланган давлатларда ҳам бозор механизми такомиллашган сари, автотранспорт хизматларининг улуши тобора ўсиб бормоқда. Бизнинг республикамызда ҳам шундай тенденцияни кузатишимиз мумкин. Масалан, 1-расмда келтирилганидек 2021 йил COVID – 2019 муносабати билан озиқ – овқат ва дори – дармонларни аҳолига етказиш, айниқса, водийдан Тошкент ва бошқа вилоятларга сабзавот ва меваларни етказиб бериш билан боғлиқдир. Ҳозирги кундаги автотранспорт хизматлари бозорини бошқаришда қуйида 2 – расмда келтирилган чизма асосида олиб борилиши лозим.

Ушбу чизмада кўрсатилганидек автотранспорт хизматлар бозорини самарали олиб бориш учун нарх, пул – кредит, солиқ ва бошқа иқтисодий, ташкилий омиллар ўз ўрни ва таъсирига боғлиқ. Хизматлар миқдори, жумладан, автотранспорт воситасида амалга ошириладиган фаолият яхшиланиб бориши бу ижобий натижа. Аммо охириги даврда транспорт экспедиция хизматларига бўлган муносабат сустлашганини ҳам кўришимиз мумкин.



2- расм Автотранспорт хизматлари бозорини бошқариш чизмаси

Биринчи навбатда, бизнинг фикримизча, транспорт хизматлари ва транспорт – экспедиция хизматлари асоси бир бўлсада, аммо мазмунан фарқланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 9 сентябридаги қарорида «Транспорт – экспедиция хизмати – юкни жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнини ташкил этиш, шунингдек, транспорт экспедицияси шартномасига мувофиқ юк ташишга алоқаси бўлган бошқа иш турларини бажариш билан боғлиқ транспорт хизмат тури» деб таърифланган. Бошқача қилиб айтганда юкни ташуви “А” манзилдан “В” манзилга етказиб бериш тушунилса, транспорт – экспедиция хизматлари эса буюртмачи (корхона, ташкилот, аҳоли) нинг барча эҳтиёжини қондирадиган хизматлар мажмуидан иборат.

Транспорт – экспедиторлик хизматлари таркибига қуйидаги фаолият турлари киради:

- юкни жўнатиш жойидан белгиланган жойгача ташишни ташкил қилиш;
- буюртмачининг шарт – шароитларига кўра юкларни ташишнинг мақбул чизмасини танлашни;

– юк жўнатувчининг омбори (терминали) дан юкларни қабул қилиб олиш, юк қабул қилувчининг омбори (терминали)га етказиб бериш, унга ва ташувчига топиширишни;

– юкларни ўраш – жойлаш (қадоклаш), маркалаш, боғлаш, навларга ажратиш ва сақлашни;

– юкни суғурталашни;

– юк жўнатилганлиги, турган жойи ва белгиланган жойга келганлиги (юкнинг ҳаракати диспозицияси) ҳақида хабардор қилишни;

– бошқа экспедиторлар хизматлар турлари, тарифлари ва иш тартиби тўғрисидаги ахборотни ҳамда бошқа тезкор ахборотни;

– транспорт – экспедиторлик фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатларни;

– божхона тартиботларини бажаришни;

– юк ташилганлиги учун ташувчи билан ҳисоб - китобларни амалга оширишни;

– юк ташиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни ўз ичига олиши мумкин.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, юқорида кўрсатиб ўтилган Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилдаги Қароридан бошқа бирорта меъёрий ҳужжатларда транспорт – экспедиция хизматлари тўғрисида муносабат билдирилмади. Ваҳоланки, 2001 йили республикада автотранспорт вазирлиги тугатилди, ундан кейинги даврда автотранспорт корхоналари хусусийлаштирилди ва шу бирга давлат томонидан ёрдам бериш механизми деярли йўқ бўлди. Қайси корхона банклардан кредит ҳисобидан ҳаракатдаги транспорт воситалари ёки унга хизмат қилувчи инфратузилмани тиклаб олган бўлса, хизматлар бозорида қолди, аксарият ташкилотлар инқирозга учради.

2021 йили республикада «Транспорт тўғрисида»ги янги қонун ишлаб чиқилди, аммо минг афсус, ушбу қонунда транспорт – экспедиция хизматларига алоҳида эътибор қаратилмади. Ваҳоланки, республикада, айниқса, Тошкент шаҳридаги қурилиш ҳажми кескин ўсиши, аҳоли ва ташкилотларнинг кўчиш ёки юк ташиш эҳтиёжининг ошиши билан белгиланди. Юқорида таъкидлаганимиздек 2020 йили республикада COVID – 2019 авжига чиққанда озиқ-овқат ва фармацевтика маҳсулотларини етказиб бериш муҳимлигини ҳамма ўзида сизди. Шу билан бирга транспорт – экспедициянинг хизматининг асосий мақсади – юкни жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнини ташкил этиш, шунингдек, транспорт – экспедиция шартномасига мувофиқ юк ташишга алоқаси бўлган бошқа иш турларини бажариш билан боғлиқ транспорт хизматни амалга оширилиши мавҳум бўлиб қолди. Унинг сабаби меъёрий ҳужжатларнинг эскириши, ахборотни қайта ишлаш янги технологияларнинг суст жорий этилиши, айниқса, рақамлаштиришга ўтиш муаммоларнинг ҳал этилмаслиги, автотранспорт хизматлар бозорининг самарасизликка олиб келди.

Иқтисодий адабиётларда ҳали транспорт экспедиция хизматлари ҳақидаги иқтисодий категория деярли ишлатилмай қўйилди. Масалан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «**Экспедитор**» – лот. **expeditor** - бормоқ, жўнатмоқ). Корхона, муассаса ва шу каби мол, товар, газета журнал, хат– хабарларни тегишли жойларга тарқатиш билан шуғулланувчи ходим.

Экспедиция – тартибга солиш, сафар, саёҳат, юбормоқ, жўнатмоқ деб изоҳ берилган (Луғат, 2008).

Бошқача қилиб айтганда, корхона, тадбиркорлар ва аҳолига хизмат сифатини оширишда транспорт – экспедиция хизматларини очиқлаштириш, умумий хизматлар улушида миқдорини оширишда унинг ҳисоб – китобини кўрсатиш, экспедиторлик фаолиятини кўрсатаётган автотранспорт корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурдир. Бундай механизм нафақат иқтисодий самандорликка, балки ижтимоий ва экологик вазифаларни ечимига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар.

1. Корхона, муассаса, аҳолининг айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари автотранспорт хизматларидаги бўлган эҳтиёжини тўлароқ фойдаланишда турли хил мулк, шакл эгаларини масъулияти ва манфатини рағбатлантирадиган механизм ишлаб чиқилишини талаб қилади. Бу борада 2021йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. «Транспорт тўғрисида»ги Қонунда белгиланган транспортга ўрнатилган 5 та принципга (қонунийлик, хавфсизлик, экологик тозаллик, транспорт хизматларидан фойдалана олиш, очиқлик ва шаффофлик) рақамлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда истеъмолчи билан акс алоқани жорий этиш, яъни унинг хизматларидан қониқиш даражасини белгиловчи муносабатни йўлга қўйиш.

3. Амалда мавжуд ва мониторингда қўлланилаётган GPS, ГЛОНАСС тизимларидан аҳоли ва тадбиркорларга транспорт – экспедиция хизматларини амалга оширишда кенгроқ ва самаралироқ фойдаланишни ташкил этиш. Бундай ҳолатда Яндекс тизимига ўхшаган инфратузилмаларни амалиётга жалб этиш. Хизмат қилувчи корхона ва ташкилотлар натижаларни Давлат статистика қўмитасининг маълумотларида фақатгина умумий кўрсаткичларидагина эмас, балки алоҳида статистик қатор тариқасида ажратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

4. Автотранспорт хизматлари бозорини ривожлантириш мақсадида шу соҳада ўқиётган менежер, маркетинг ва иқтисодчиларга ўқув жараёнида транспорт - экспедиция хизматлари иқтисодий категориясини ихтисослик фанларга жорий этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

5. Автотранспорт, жумладан транспорт - экспедиция хизматларини амалга ошириш, баҳолаш учун ўрнатилган концепция, мезонлар ва бошқа талабларига мувофиқ ҳисоб – китоб алгоритминини ишлаб чиқилиши муҳим ўрин эгаллайди.

6. Кичик бизнес ва тадбиркорлик вакиллари алоҳида экспедиция бўлимини очиш самарадорлиги юқори бўлмаслигини инобатга олган ҳолда, аутсорсинг ёки Тошкент давлат иқтисодий университети қошида Маслаҳат марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Адабиётлар/Литература/References:

Lex.uz (2023) «Стратегия-2030», Lex.uz /docs / 6600413. ПФ № 158, 11.09.2023й.

stat.uz (n.d.) Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг расмий сайти.

Абдуллаев Б.И. (2019) Шаҳар автобус йўналишларида транспорт хизмати сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш. – PhD автореферати, Т.: ТАЙЛҚДИ.

Бердиев Т.А. (2021) Жамоат транспорти фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш. – PhD автореферати, Т., ТДИУ.

Ғиёсиддинов Б.Б. (2024) Жамоат транспортининг жозибардорлигини оширишда маркетинг воситаларидан фойдаланишни такомиллаштириш. - PhD автореф., – Т.: ТДИУ.

Икрамов М.А. (2017) Маркетинговая стратегия Республики Узбекистан в сфере услуг. Конф. ТДИУ, 24 ноябрь, 281-284 бетлар.

Икрамов М.А., Зоҳидов А.А. (n.d.) Автомобильно - дорожный сектор государств Центральной Азии: проблемы и перспективы развития. Монография. – Т.: изд. библ. А.Навои, 12,5 н.л.

Ирисбекова М.Н. (2017) Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини оптималлаштириш. - DSc автореф., Т.: ТАЙИ.

Камалова Э.А. (2019) Юкларни ташишнинг логистик бошқарувини такомиллаштириш. - PhD автореф. - Т.: ТДИУ.

Концепция (2025) Ўзбекистон Республикасининг Транспорт – логистика тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси. – Т.

Қарор (2000) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида транспорт - экспедиторлик фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, № 348.

Қарор (2025) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг транспорт – логистика тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, ПҚ– 28 – сон, 27 январь.

Луғат (2008) «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» 5- жилд. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси».

Набиева Н.М. (2021) Хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш. – PhD автореф., Т.: ТДИУ.

Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт тўғрисида»ги Қонуни, 2021 йил 9 август.

Юсупходжаева Г.Б. (2020) Автотранспорт корхоналари рақобат салоҳиятидан самарали фойдаланиш. PhD автореф., Т.: ТДТУ.